



ЎЗБЕКИСТОН СТАРТАП ЭКОТИЗИМИ, АСОСИЙ МУАММОЛАР ВА РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Джанизаков Шерали

*Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни
қўллаб-қувватлаш жамғармаси
ORCID: 0009-0009-0595-7315
sheralidjanizakov@gmail.com*

Аннотация. Мазкур мақолада мамлакатимизда стартап экотизимининг ривожланиш тенденциялари, институционал муҳит, асосий муаммолар ва келажак учун муҳим йўналишлари ўрганилган. Стартап экотизимини шакллантириш борасида давлат институтлари томонидан амалга оширилган чора-тадбирларнинг ўрни ва аҳамияти, шунингдек, стартап лойиҳаларни молиялаштиришда энг самарали институтларидан бири сифатида венчур молиялаштириш зарурияти таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: стартап, стартап экотизими, инновацион иқтисодиёт, венчур капитал, акцелерация ва инкубация дастури.

СТАРТАП ЭКОСИСТЕМА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН, ОСНОВНЫЕ ПРОБЛЕМЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ

Джанизаков Шерали

Фонд финансирования науки и поддержки инноваций

Аннотация. В данной статье рассматриваются тенденции развития стартап-экосистемы, институциональная среда, основные проблемы в нашей стране и важные направления в будущем. Проанализированы роль и значение мер, осуществляемых государственными институтами по формированию стартап-экосистемы, а также необходимость венчурного финансирования как одного из наиболее эффективных институтов финансирования стартап-проектов.

Ключевые слова: стартап, стартап-экосистема, инновационная экономика, венчурный капитал, программа акселерации и инкубации.

STARTUP ECOSYSTEM OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN: MAIN PROBLEMS AND DEVELOPMENT PROSPECTS

Djanizakov Sherali

Fund for Financing Science and Innovation Support

Abstract. This article examines the development trends of the startup ecosystem in our country, the institutional environment, key challenges, and priority directions for the future. It analyzes the role and significance of measures implemented by state institutions in shaping the startup ecosystem, as well as the necessity of venture financing as one of the most effective institutions for funding startup projects.

Keywords: startup, startup ecosystem, innovative economy, venture capital, acceleration and incubation programs.

Кириш.

Сўнгги йилларда инновациялар ва рақамли технологиялар иқтисодий ўсишнинг муҳим драйверларидан бирига айланди. Мамлакатимизда инновацион иқтисодиётни барпо этиш ва стартап экотизимни жадал ривожлантириш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати томонидан мақсадли йўналтирилган чора тадбирлар амалга оширилади.

Хусусан, Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 24 ноябрдаги «Тадбиркорлик ва инновациялар соҳасидаги лойиҳаларни молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПФ-5583-сон Фармонида асосан тадбиркорлик ва инновациялар соҳасидаги истиқболли лойиҳаларни молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш орқали инновацион ғоялар, стартаплар, венчур лойиҳаларни молиялаштириш ҳамда илмий-техник ишланмалар натижаларини тижорлаштириш устувор вазифалар сифатида белгиланди.

Шунингдек, Ўзбекистон Ҳукуматининг 2020 йил 9 мартдаги 133-сон қарори билан тасдиқланган «Стартап лойиҳаларни тасдиқлаш, молиялаштириш ва амалга ошириш тартиби тўғрисида» Низом билан бюджет маблағлари ҳисобидан стартап лойиҳаларни танлаб олиш ва молиялаштиришнинг ҳуқуқий асослари яратилди.

Бундан ташқари, Ҳукуматимизнинг 2021 йил 19 апрелдаги 222-сон қарорига мувофиқ илмий ва инновацион фаолият билан шуғулланиб келаётган иқтидорли ёшларнинг илмий ғояларини рағбатлантиришга ҳамда илмий ва стартап лойиҳалари қўллаб-қувватлаш мақсадида «Бўлажак олим» танлови ташкил этилди ва танлов доирасидаги лойиҳаларни соддалаштирилган тарзда молиялаштириш амалиёти жорий этилди.

Қайд этиш жоизки, мамлакатимизда стартап экотизимини шакллантириш ва ривожлантиришнинг дастлабки босқичида стартап лойиҳаларни молиялаштириш ва яратилган инновацион ишланмаларни иқтисодиёт тармоқларига татбиқ этиш мақсадида давлат сармоясига устуворлик қаратилди.

Бироқ, кейинги йилларда стартап лойиҳаларни акцелерация ва инкубация дастурлари орқали ривожлантиришдан бошлаб, венчур жамғармалар ва хорижий инвестицияларга бўлган босқичларгача қўллаб-қувватлаш учун институционал ва молиявий механизмлар яратишга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 14 сентябрдаги «Кичик бизнесни ривожлантиришни молиявий ва институционал қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-306-сон қарорига асосан кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича «узлуксиз хизматлар занжири»ни яратиш мақсадида «Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш» комплекс дастури жорий этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 14 октябрдаги «Стартап лойиҳалар ва венчур молиялаштириш экотизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-357-қарорига биноан рақамли технологиялар соҳасидаги стартап лойиҳаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган Рақамли стартаплар дастури жорий этилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 19 мартдаги «Кичик ва ўрта бизнеснинг иқтисодиётдаги ўрнини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-50-сон Фармонида асосан 2026 йил якунига қадар венчур жамғармалар иштирокида янги бизнес йўналишларида камида 200 та стартап лойиҳалар амалга ошириш, шунингдек муваффақиятли амалга оширилган ҳар бир стартап лойиҳа натижасида яратилган янги турдаги маҳсулотлар ва хизматларни техник регламентлар ҳамда стандартларга киритиш орқали уларнинг давлат харидлари тизимига интеграциялаш белгиланди.

Мамлакатимизда стартап экотизимини жадал ривожлантириш борасида Давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган стратегик йўналишлари ва қабул

қилинган фармон, қарорларининг илмий таҳлили шундай натижа берадики, улар стартап экотизимини ривожлантиришда муҳим институционал базани яратиш, венчур капитал ва хусусий секторни, жумладан кичик ва ўрта бизнесни инновацион фаолиятга кенг жалб этишга хизмат қилади.

Адабиётлар шарҳи.

Бугунги глобаллашган иқтисодий муҳитда инновациялар иқтисодий ўсиш, рақобатбардошлик ва юқори қўшилган қийматли иш ўринларини яратишда марказий ўрин тутди. Инновацион иқтисодиёт — бу илм-фан, технология ва бизнес ўртасидаги чуқур интеграция орқали янги маҳсулотлар, хизматлар ва жараёнларни доимий яратиш жараёни бўлиб, у миллий иқтисодий стратегиялар асосида шаклланади. Шу нуқтаи назардан, стартап экотизими инновацион иқтисодиётнинг муҳим драйвери ҳисобланади. Стартап экотизими, уни стартапларни ривожлантиришдаги аҳамияти ва иқтисодиётга таъсири тўғрисида кўплаб тадқиқотчи ва олимлар томонидан илмий ўрганишлар ўтказилган бўлиб, куйида уларнинг айримлари томонидан билдирилган фикрларга тўхталиб ўтамиз.

Усмонов (2025) муаллифлигидаги мақолада «стартап экотизими инновацион иқтисодиётни барпо этишда муҳим элемент ҳисобланади, чунки у инновациялар, маҳсулотлар ва янги бозорлар пайдо бўлишига сабаб бўлади» деб таъкидлайди.

Илҳамов (2025) тадқиқотларида «Ўзбекистонда стартап экотизими 2019–2024 йилларда жадал ўсишни кўрсатган бўлсада, ҳали ҳам гибрид молиялаштириш моделлари ва хусусий инвестицияларни жалб қилиш билан боғлиқ масалалар етарли даражада чиқмаган» деб ҳисоблайди.

Қосимова (2025) тадқиқоти натижалари шуни кўрсатдики, «инсон капиталининг сифатли бўлиши, инновацион тадбиркорлар малакаси ва венчур фондларининг самарали фаолият олиб бориши Ўзбекистонда стартап экотизимининг ўсишини жадаллаштирувчи асосий омиллардан бири» ҳисобланади.

Султоновнинг (2025) таҳлилида «ёшлар учун технологиялар, инновацион муҳит ва молиялаштириш имкониятлари стартап экотизимида муҳим аҳамият касб этади ҳамда уларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлашда стратегик йўналишлар белгиланиши»ни зарур деб билади.

Костин (2018) стартап экотизимини куйидагича «янги корхоналарни ташкил этиш ва ривожлантириш учун шарт-шароитларни таъминлашга қаратилган тегишли инфратузилмани шакллантириш» деб таърифлайди.

Трипати ва Сеппанен фикрига кўра «стартап экотизими яратилиши ва ривожланиши стартап компанияларининг самарадорлиги ва янги иш ўринлари яратиш қобилияти билан боғлиқдир. Олимлар стартап экотизимларидаги элементлар ўзаро боғлиқ бўлиб, янги маҳсулотлар ва хизматларни бозорга олиб чиқишда муҳим рол ўйнайди» деб таъкидлайдилар.

Қозоғистонлик тадқиқотчилар Камисбаев, Талассов ва бошқа олимлар (2025) томонидан амалга оширилган тадқиқотда кўрсатилишича «стартап экотизими давлатнинг қўллаб-қувватлаш сиёсати билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, самарали давлат дастурлари ва молиялаштириш механизмлари тадбиркорлик фаолиятини мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга. Улар инновацион стартап экотизимлари компанияларнинг тадбиркорлик фаолиятини оширишга ҳисса қўшади» деган хулосага келган.

Стартап экотизимини таҳлил қилиш билан боғлиқ турли илмий адабиётлар, илмий тадқиқот ишлари ва мақолалар ўрганиб чиқилганда, аксарият тадқиқотчилар инновацион иқтисодиётни барпо этишда бозорда мавжуд бўлмаган янги товар, хизмат ва технологиялар соҳасида стартап экотизимини ўрни ва аҳамияти долзарб мавзу эканлигини таъкидлайдилар.

Тадқиқот методологияси.

Мазкур мақолани тайёрлашда илмий нашрлар ва турли электрон маълумотлар базаларидаги илмий манбаларда ёртилган стартап экотизими, стартапларни қўллаб-қувватлаш воситалари ва ёндашувлари ўрганилган. Шунингдек, тизимли ва статистик таҳлил, қиёсий таҳлил, индукция ва дедукция, маълумотларни йиғиш ва умумлаштириш усуллари қўлланилди. Стартап экотизими бўйича ривожланган давлатлар тажрибаси ўрганилди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Глобаллашув жараёнларининг жадал ривожланиши шароитида инвестициялар мамлакатлар ўртасида ва миллий иқтисодиёт доирасида муҳим ўрин тутди. Ўзбекистон ҳам дунёнинг ўзаро боғланишининг бир қисми бўлиб, ЖСТга аъзо бўлиш йўлидаги ҳаракатлар, минтақавий ва ҳалқаро ташкилотлар билан фаол интеграциялар ва махсус иқтисодий зоналарни кенгайтириш орқали глобал тизимда фаол иштирок этмоқда. Албатта воқеаларнинг бундай ривожланиши бизнеснинг янги турларини ривожлантиришни рағбатлантиради ва биз уларни ҳозир стартаплар номлаймиз.

Стартап экотизими – ғоядан стартапгача бўлган жараённи ўз ичига оладиган инновацион тизим ҳисобланиб, бунда давлат сармояси, бизнес-инкубатор, акселератор, венчур фондлар ва хорижий инвестициялардан иборат экотизим фаолиятининг иштирокчилари сифатида ғоялар генерациясидан бизнесгача стартапни қўллаб-қувватлайди.

Амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларимизда стартап лойиҳалар тўғрисида қуйидагича «амалга ошиш хавфи юқори бўлган шароитда янги маҳсулот ёки хизмат турини яратувчи инновацион ишланмаларнинг қўлланилиши, кўлами ва тез ўсиш суръати билан фарқланадиган янги бизнес лойиҳа» сифатида таъриф берилган.

Стартап лойиҳалар юқори даражадаги тавакалчиликка асосланган фаолият тури эканлигини инобатга олиб, мазкур лойиҳаларни молиялаштиришда, ажратилган маблағларни қайтариш механизмини тўғри танлаш муҳим аҳамиятга эга.


Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан стартап лойиҳалар молиялаштирилганда лойиҳа доирасида юқори қўшилган қийматли маҳсулот ишлаб чиқариш, янги иш ўринлари яратиш ва мамлакат ЯИМ ҳажмига ўз ҳиссасини қўшиш орқали қайтарилган ҳисобланади.

Дунё тажрибасида эса стартаплар бу — тақлиф этилаётган маҳсулотлар, сервислар ва хизматларнинг янгилиги ҳамда ўзига ҳослиги туфайли бизнеснинг катта суръатларда ўсишини таъминловчи, юқори даражадаги тавакалчиликни ўз ичига олган фаолият тури сифатида тавсифланади.

«Global Startup Ecosystem Report» маълумотларига кўра, 92 фоиз стартаплар дастлабки босқичда фаолиятини якунлайди. Кўплаб тадқиқотчи ва олимлар томонидан бунга асосий сабаб сифатида стартап лойиҳа томонидан яратиладиган якуний маҳсулотнинг истеъмолчи томонидан амалда фойдаланиш миқдорининг ўлчаб бўлмаслиги келтирилади.

Дунёнинг иқтисодий жиҳатдан юксак ривожланаётган мамлакатлари қатори республикамизда ҳам иқтисодиёт, фан, таълим, соғлиқни сақлаш ва қишлоқ хўжалиги каби драйвер соҳаларга замонавий инновацион технологиялар татбиқ этилмоқда.


Алоҳида таъкидлаш лозимки, сўнгги беш йилликда инновацион иқтисодиётни ривожлантириш ва инновацион экотизимни шакллантириш бўйича изчил ишлар амалга оширилганлиги натижасида 2024-2025 йилларда мамлакатимиздаги стартап ва венчур экотизимининг умумий қиймати 3,9 миллиард долларга етди, 15 та венчур фонд ташкил этилди ва самаради фаолият юритмоқда, венчур капитал ҳажми эса 180 миллион доллардан ошди (1-расм).



1-расм. Ўзбекистон стартап экотизимининг 2020-2025 йиллардаги ўсиш динамикаси (млрд.долларда) (podrobno.uz, n.d.)

«StartupBlink» томонидан 2025 йилнинг 20 май куни эълон қилинган жаҳон стартап иқтисодиётининг энг мукамал таҳлили ҳисобланган «Global Startup Ecosystem Index 2025» рейтингда юқоридаги ижобий ўзгаришлар тан олинди.

Ўзбекистон биринчи мартаба глобал стартап экотизимларининг топ-100 талигига кирди ва дунёда 98-ўринни эгаллади. Мамлакатимиз стартап экотизими рекорд даражадаги, яъни 132 фоиздан ортиқ ўсишни қайд этди ва дунёдаги иккинчи энг тез ўсётган ва Марказий Осиёдаги энг тез ривожланаётган стартап экотизими деб эътироф этилди (2-расм).



2-расм. Ўзбекистон стартап экотизимининг 2020-2025 йиллардаги ўсиш тенденцияси (podrobno.uz, n.d.)

«Global Startup Ecosystem Index 2025» маълумотларига кўра, Тошкент экотизими 132% ўсиб Марказий Осиёдаги энг тез ривожланаётган шаҳарга айланди ва илк бор глобал топ-400 рўйхатига кириб, 350-ўринни эгаллади ва минтақадаги стартаплар учун муҳим марказ сифатида ўз ўрнини мустаҳкамлади.

Айтиш жоизки, давлатимиз раҳбарининг 2024 йил 14 октябрдаги «Стартап лойиҳалар ва венчур молиялаштириш экотизимини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида» ПҚ-357-қарорига мувофиқ мамлакатимизда барқарор стартап лойиҳалар экотизимини шакллантириш ва венчур капитал бозорини кенгайтириш мақсадида экотизимни бошқаришнинг ишончли тизими, молиявий механизмлари ва институционал ваколатлари жорий этилди, шунингдек рақамли технологиялар соҳасидаги стартап лойиҳаларни қўллаб-қувватлашга қаратилган Рақамли стартаплар дастурини «Digital Startup» амалга ошириш белгиланди.

«Digital Startup» дастури доирасида стартаплар муваффақиятини ривожлантириш учун 1+1 молиялаштириш механизмининг жорий этилди, унга кўра хорижий венчур капиталини жалб қилган стартаплар учун 100 минг АҚШ долларигача бўлган хорижий венчур инвестициялари қопланади, инкубация ва акцелерация дастурларини амалга оширувчи тадбиркорлик субъектларига менторлар ва тренерларни жалб қилиш билан боғлиқ харажатлар учун 50 минг АҚШ долларигача компенсациялар берилди. Ушбу 1+1 механизми нафақат дастлабки босқичларда капиталнинг мавжудлигини оширади, балки инвесторлар учун барқарорликнинг кучли сигнали бўлиб, стартапларнинг ишончли кенгайтириш учун молиявий ресурсларни таъминлайди.

Дунё тажрибасидадан маълумки, стартап лойиҳаларни молиялаштириш механизмининг энг самарадор усулларида бири бу – венчур капитали (Venture Capital) орқали молиялаштириш ҳисобланади. Бунда стартаплар учун зарур маблағлар улуш эвазига молиялаштирилади ва келажакда стартап компания капитализацияси ўсиши натижасида ундаги улушни сотиш эвазига фойда олинади.

Мамлакатимизда венчур капитал ҳажмининг ошириш мақсадида устав фондида давлат улуши 50 фоиздан юқори бўлган тижорат банклари ва хўжалик жамиятларида венчур жамғармалар ташкил этиш, венчур инвестицияларни амалга ошириш ҳамда ишончли бошқарув асосида бошқа венчур жамғармаларга ўз маблағларини беришга рухсат берилди.

Эътиборли жиҳати, ҳозирда венчур капитални шакллантириш асосан давлат маблағлари ёки давлат компаниялари, хусусан, United Ventures — 7 та давлат банки, AloqaVentures — Алоқабанк, Asaka Farm Ventures — Асакабанк, SQB Ventures — СҚБ, UzVC – Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, IT Park Ventures – Рақамли технологиялар вазирлиги, Ёшлар тадбиркорлигини қўллаб қувватлаш венчур фонди — Ёшлар ишлари агентлиги улуши ҳисобидан шаклланмоқда.

Шу билан бирга, мамлакатимизда стартап экотизимини жозибадорлиги венчур капитал бозорига хусусий сектор қизиқишларини ошириши табиий, жумладан Yandex Uzbekistan компанияси ICT Week 2025 доирасида истиқболли стартапларга дастлабки босқичида сармоя киритиш мақсадида 20 млн АҚШ долларлик Yango Ventures ишга туширилишини эълон қилди.

Албатта, Ўзбекистондаги жорий мезонлар бўйича 20 млн АҚШ доллари ҳам юқори кўрсаткич, одатда ўртача инвестиция миқдори бўйича ҳисобга олинса 100 та стартапга етарли ресурс ҳисобланади, шунингдек, халқаро фонд бўлгани учун унинг танлаган стартаплари бутун дунё бўйлаб кенг алоқалар тармоғига эга бўлиши учун катта имконият яратади.

Бундан ташқари, «Fund-of-Funds» модели сифатида қайта ташкил этилган UzVC компанияси томонидан қўллаб-қувватлаган Domino Ventures, Imkon Ventures ва Sarmo

Ventures хусусий венчур фондлари ҳам 2025 йилдан бошлаб Ўзбекистоннинг технологик стартапларига фаол сармоя киритишни бошлади.

Ушбу фаол ҳаракатлар ўз навбатида хусусий капитални жалб қилиш орқали давлат инвестицияларини кўпайтиришга ва барқарор венчур экотизимини яратишга имкон беради.

Ўзбекистоннинг стартап экотизими имиджини шакллантиришда ҳар йили июль ойида бўлиб ўтадиган GBS Forum, сентябрь ойида бўлиб ўтадиган ICT Week Uzbekistan ва октябрь ойида бўлиб ўтадиган Innoweek инновацион ҳафталаги каби тадбирлар мамлакатни инновацияларнинг минтақавий ташкилотчиси сифатида намоён этади. Ушбу платформалар орқали бутун Марказий Осиё ва ундан ташқаридаги венчур фондлари ва B2B алоқаларини жалб қилишга қаратилган.

Таъкидлаш лозимки, ҳар йили давомида стартапларга йўналтирилган 50 дан ортиқ ташаббуслар, жумладан, ҳақатонлар, акцелерация ва инкубация дастурлари ишга туширилади, минтақавий ва халқаро тадбирда мамлакат салоҳиятини намоёйиш этади. Жумладан, ёш истеъдодларнинг имкониятларини кенгайтириш ва жаҳон миқёсида рақобатбардош рақамли ечимларни ишлаб чиқишни қўллаб-қувватлашга қаратилган 1 млн долларлик катта мукофот жамғармасига эга Prezident Tech Award — миллий танлови ташкил этилди.

Иқтисодий барқарорлик, кенг қўламли истеъдод ресурслари, Давлат раҳбарининг сиёсий иродаси ва глобал амбицияларнинг тенгсиз уйғунлиги натижасида Ўзбекистон стартаплар, инвесторлар ва инноваторлар учун жозибадор марказга айланмоқда.

Мамлакат Ҳукумати томонидан 2030 йилга қадар стартапларнинг сонини 5 мингтага, экспорт бозорларига чиққан стартапларнинг сонини 200 тага етказиш ҳамда венчур инвестицияларнинг ҳажминини 2 млрд долларга олиб чиқиш мақсад қилингани бу борада катта марралар кўзланганини аниқлатади.

Хулоса ва таклифлар.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон стартаплар ва инновацион технологиялар учун истиқболли марказ сифатида мавқеини ишончли тарзда мустаҳкамлашда давом этмоқда. Албатта, дунё стартап экотизимларининг топ-100 талигига кириш Ўзбекистон учун глобал инновация майдонида муҳим ўйинчига айланиш йўлидаги фақат бошланишдир.

Шу билан бирга, ўтказилган таҳлиллар натижасида мамлакатимизда стартап экотизимини янада ривожлантириш ва стартап лойиҳаларни амалга оширишда юзага келаётган бир қатор тизимли муаммолар мавжудлигини таъкидлаш лозим.

Жумладан,

- Стартаплар экотизими ва венчур инвестициялар етарли даражада ҳуқуқий тартибга солинмаган, яъни стартап экотизими Ўзбекистон Республикаси Президент ва Ҳукуматининг бир қатор фармон, қарорлари орқали қўллаб-қувватланади. «Стартаплар тўғрисида» Қонун қабул қилиш орқали экотизимни яхлит тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий базани яратиш (такомиллаштириш) зарур;

- Стартапларнинг миллий базасини шакллантиришни назарда тутувчи электрон платформа мавжуд эмас, мамлакатимиздаги стартапларнинг ягона базасини мазкур платформа орқали юритиш ҳамда венчур жамғармалар ва инвесторлар томонидан жалб қилган маблағлар статистикаси ва ҳисоботини юритиш;

- Давлат сармояси ҳисобидан амалга ошириладиган стартап лойиҳаларни танлашда селекция тартиби бугунги талабларга жавоб бермайди, аксарият ҳолларда бизнес инкубатор ва акцелерация дастурларидан ўтмасдан молиялаштирилади;

- Стартап лойиҳаларни ҳудудий даражада қўллаб-қувватлаш тизими мавжуд эмас, аynи вақтда пойтахт инфратузилмаси сабабли стартаплар учун муҳим марказ

бўлиб қолмоқда. Фискал ислохатлар натижасида маҳаллий бюджетларда етарли миқдорда қўшимча манбалар шаклланган бўлсада, маҳаллий ҳокимликларда стартап лойиҳаларни молиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш амалга оширилмасдан қолмоқда;

- Хорижий стартапларга венчур инвестициялар қиритишдаги чекловлар мавжудлиги туфайли миллий венчур фондлари фақатгина Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган стартап-лойиҳаларга сармоя қиритиш билан чегараланган. Натижада юқори қўшилган қийматга эга бўлган ва катта масштабда амалга ошириш мумкин бўлган маҳсулотлар/хизматларга сармоя қиритиш имкониятини йўқотишга олиб келади;

- Иқтидорли ёшларнинг ғояларни рағбатлантириш мақсадида «Бўлажак олим» танлови ва/ёки бизнес инкубатор ва акцелерация дастурларидан ўтган ҳамда муваффақиятли амалга оширилган стартап лойиҳаларни битирув малакавий иши сифатида қабул қилиш имкониятини яратиш таклиф этилади.

Юқоридаги таҳлиллардан шундай хулосага келиш мумкинки, мамлакат стартап экотизимини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар нафақат молиявий ва таркибий қўллаб-қувватлашни институтционализация қилади, балки Ўзбекистонни маҳаллий тадбиркорлар ва халқаро манфаатдор томонлар учун жозибадор қилиб, стартаплар ва венчур капитални ташкил этиш сиёсатини ишлаб чиқишда минтақавий етакчи сифатида олиб чиқади.

Адабиётлар /Литература/References:

Ilxamov (2025). *Startup ecosystem growth and acceleration strategies in Uzbekistan. Academic Journal of Digital Economics and Stability.*

IT Park Uzbekistan (2025). *Uzbekistan впервые попал в топ-100 индекса Global Startup Ecosystem Index 2025. Мавжуд: <https://it-park.uz/ru/itpark/news/uzbekistan-vperveye-popal-v-top-100-indeksa-global-startup-ecosystem-index-2025>*

Podrobno.uz (2025). *Стартап-экосистема Узбекистана выросла в 13 раз за пять лет. Online: <https://podrobno.uz/cat/economic/startup-ekosistema-uzbekistana-vyroslo-v-13-raz-za-pyat-let/>*

Qosimova (2025). *Critical factors in startup ecosystem development in Uzbekistan. Innovation Science and Technology.*

StartupBase (2025). *Uzbekistan enters the global top-100 in the Global Startup Ecosystem Index. Online: <https://startupbase.uz/uz/news/uzbekistan-enters-the-global-top-100-in-the-global>*

Startupgenome.com (2025) *Global Startup Ecosystem Index 2025. Online: <https://startupgenome.com/report/gser2025/introduction>*

Sultonov (2025). *Youth entrepreneurs'hip and startup ecosystem: opportunities and challenges. Green Economy and Development.*

Talassov, G., et al. (2025). *Forming an Innovative Start-Up Ecosystem to Increase the Entrepreneurial Activity of Companies (As Exemplified by Asian Countries). QUBAHAN Journal, 5(2).*

Tripathi, N., Seppanen, P. ва бошқ. (2019). *Insights into startup ecosystems through exploration of multi-vocal literature. Information and Software Technology, 105, Jan., pp. 56–77.*

Костин, К. (2018). *Инновационное развитие стран Северной Европы. Санкт-Петербург: Издательство СПбГЭУ.*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (2020). «Стартап лойиҳаларни тасдиқлаш, молиялаштириш ва амалга ошириш тартиби тўғрисида» Низом. 133-сон қарор, 9 март 2020 йил.

Ўзбекистон Республикаси Президенти (2024). «Стартап лойиҳалар ва венчур молиялаштириш экотизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида». ПҚ-357-сон қарор, 14 октябрь 2024 йил.

Ўзбекистон Республикаси Президенти (2025). «Кичик ва ўрта бизнеснинг иқтисодиётдаги ўрнини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида». ПФ-50-сон Фармон,

Усмонов (2025). *Инновацион иқтисодиётни ривожлантиришда стартап экотизимининг аҳамияти. Journal of Uzbekistan's Development and Research, январь 2025.*